

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА МАТБАА

“Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси
“Ҳукмдор ва шоир” бўлими
бўлим мудири: **Ташпулатова Дилфуза.**

Аннотация: Ушбу мақолада Муҳаммад Раҳимхон II нинг буйруғи билан Ўрта Осиёда биринчи матбаа тошбосма-литографияни йўлга қўйилгани ёритилади.

Калит сўзлар: Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз, Эрон, Иброҳим султон, тошбосма – литография, Отажон Абдалов, Алишер Навоий, Шермуҳаммад Мунис, “Инқилоб қуёши”.

XIX асрда Хоразм тахтида ҳукмронлик қилган шоҳ ва шоир мусиқа илмининг зукко билимдони Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз доимо илм-фан, маданият ва санъат ривожига катта эътибор билан қараган, ҳомийлик қилган. Ўша даврда ўлкада бадиий адабиёт ва тарихнавислик, мусиқа санъати шу даражада юксалдики, бу юксалиш таъсири нафақат Ўрта Осиё маданий-маърифий ҳаётида, балки Европада ҳам сезилди.

Ҳақиқатдан ҳам минтақада биринчи бўлиб суратга олиш, кино ишлаш бошланган. "Танбур чизиғи"нинг ихтиро қилиниши билан мақом йўлларини қоғозларда муҳрлаш имкони туғилди. Ферузнинг адабиётга қизиқиши, бадиий асарларнинг авлодларга ўз ҳолича етказиш йўлида қайғургани туфайли 1874 йилда Ўрта Осиёда биринчи тошбосма ҳам Хивада ташкил қилинади. Шу давргача барча илмий, тарихий, бадиий асарлар моҳир хаттотлар томонидан қўлёзма кўринишида кўчирилар, шу сабабдан ҳам кам нусхани ташкил қиларди.

Феруз Эрон, Россия, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатлардаги тошбосмалар фаолияти ҳақида тўла тасаввурга эга бўлгач, Хивада ҳам тошбосма ташкил этишга қарор қилган эди.

Феруз кенг оммага китоб етказиш учун нашр ишларини йўлга қўймоқчи бўлди. Маълумки, Шарқда биринчи матбаа 1832 йилда Эронда пайдо бўлиб, унда китоб ва жаридалар нашр этила бошлаган. 1886 йилга келиб, Табризда еттита, Техронда ўн та литография вужудга келди¹.

"Литография" грекча сўз бўлиб, "литос" – тош ва "графос" – ёзма деган маънони билдиради. Бу атама ўзбек тилига тошбосма тарзида ўгирилган².

1874 йилда Мадримхоннинг буйруғи билан Эрондан Хивага китоб босиш ускуналари билан Иброҳим султон шартнома асосида чақириб олинди. У Хивада Ўрта Осиёда биринчи матбаа тошбосма - литографияни йўлга қўйди. Унга шогирд тушган хивалик Отажон Абдол ўғли тезликда бу санъат сирларини ўрганиб, Хива китоб босмахонасига асос солди³.

Саройда ташкил топган "Подшоҳи замон типолитографияси"нинг илк маҳсулоти 1876 йилда дунё юзини кўрди. Бу Абу Наср Форобийнинг "Нисобус-сибиён" ("Болалар насибаси") номли фалсафага оид асари эди. Аммо орадан бир оз вақт ўтгач, Иброҳим Султон билан тузилган шартнома муддати тугагани учун Эронга жўнаб кетади ва барча масъулият Отажон Абдалов зиммасига тушади, Халқ Отажон Абдаловни "Отажон босма" деб атай бошлади. Феруз Отажон босмага ёрдам бериш учун Муҳаммад ва Худойберган муҳркон, Исмоил девон, Комил девон каби тараққийпарвар кишиларни йўллади.

Феруз кўрсатмасига биноан, 1880 йилда Алишер Навоийнинг "Хайрат ул-аброр" достони нашр этилди. Ўрта Осиё маданияти тарихида бу муҳим воқеа эди, "Туркистон вилоятининг газетаси" бу воқеага атаб бир неча мақолалар чоп этди.

¹ Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул "Феруз шоҳ ва шоир қисмати" Тошкент 1991 йил. 103-бет.

² Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул "Феруз" Тошкент 2011 йил. 127-бет.

³ Комилжон Худойбергандов "Хоразм хонлари" Тошкент 2019 йил. 168-бет.

Босмахонада Шермухаммад Муниснинг 609 саҳифалик "Мунис ул-ушшоқ" девони, Комилнийг бешта девони, Ёқубхўжа иби Иброҳимхўжанинг "Девони Холис" тўплами чоп этилди.

1882 йилга келиб яна Алишер Навоийга мурожаат этилди. Энди "Чор девон" ("Хазойин ул-маоний") асарига навбат келган эди. 50 минг мисрадан иборат "Чор девон" куллийети Комил Хоразмийнинг сўз бошиси билан Хева тошбосмасида нашр этилган ягона тўлиқ асар сифатида матбаачилик тарихига олтин ҳарфлар билан битилди. Худди шу йили Огаҳийнийг "Таъвиз ул-ошиқин" ("Ошиқлар тумори") номли 530 бетдан иборат девони ҳам чоп этилди.

1890 йилнинг ўрталаридан бошлаб Отажон босмага Оллоберган Раҳим ўғли деган ёш йигит шогирд тушди.

1897 йили "Девони Феруз" Комил Хоразмий сўзбошиси билан нашр этилди. Шундан кейин Огаҳий, Баёний, Пиркомил, Мирзо, Рожий, Табибий, Комил Хоразмий, Комил Девоний, Ғуломий, Султоний, Саъдий, Асад, Ғозий, Муродий, Раҳмонқули қори, Фаррух, Шуносий каби шоирларнинг шеърлари нашр этила бошлади. Булар орасида Аҳмаджон Табибийнинг Феруз фармонида мувофиқ нашр этилган "Мажмуат уш-шуаро" (1909) асари алоҳида ажралиб туради.

Муҳаммадали Лаффасийнинг ёзишича, Феруз "Ҳафт шаҳзода" номли тўплам ҳам туздирган. Бу тўплам 1906-1909 йиллар давомида Хева типолитографиясида тўрт марта нашр қилинган. Феруз мазкур тўпламни "Ҳафт шуаро" деб ҳам атаб, унда ўз оға-ини ва жиянлари ижодидан намуналар берган. Бу тўпламни Комил Девоний нашрга тайёрлаган эди.

Хева матбаасида таржима асарлар ҳам чоп этила бошланди. Мирзо машҳур Бағдодийнинг "Соқийнома" асарини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима этди ва бу асар 1907-1908 йилларда икки марта "Девони ҳафт шуаро"га қўшиб нашр этилган бўлса, 1909 йилда Девони Мирзо"нинг охирига қўшимча тарзда нашр этилди.

Вақт ўтиши билан Хива босмахонасидаги ишлар ривожланиб, Отажон Абдалов хоннинг рухсати ва хомийлиги билан кўпгина шаҳарларга бориб матбаачиликнинг нозик сир-асрорларини мукаммал ўрганиб қайтади. Бу соҳанинг етук билимдон кишиси бўлиб танилади. Кўплаб шогирдлар етиштиради. Кўпгина шоирларнинг баёзлари ва девонлари босмахонада қайта-қайта чоп қилинади.

1920 йилда Хоразм Халқ Республикаси ихтиёрига босмахона жиҳозлари, электромотор, ҳарфлар юборилади. Шундан кейин Хивада газета чиқариш йўлга қўйилади. Шу йилнинг 8-март куни “Инқилоб куёши” (ҳозирги “Хоразм ҳақиқати”) газетасининг биринчи сони чиқади.



Тарихий ҳужжатларда Хива тошбосмасида ишлаган инсонларнинг табаррук номлари қайд қилинган: Отажон Абдалов, Ота Мискинов, Низомиддин Шамсиддинов, Содик Ҳалимов, Бойбобо Маҳмудов, Раҳимберган Худойберганов, Матёқуб Камалов, Раҳмонқул Отажонов..... Улар ўз касбларини мохир усталари бўлишлари билан бирга бу касбни санъат даражасига олиб чиқдилар⁴.

⁴ “Хоразм ҳақиқати” газетаси. 2010 йил 9 январ. №3 (18621). Шанба.

1927 йилда Отажон Абдалов вафот қилади. Бироқ унинг ишларини шогирдлари давом қилдирадilar. “Инқилоб куёши” газетаси 1928 йил июнь ойининг охиригача Хива шаҳрида чоп қилинади. 1928 йилнинг 1 июлидан бошлаб босмахона Урганч шаҳрига кўчирилади. Ҳозирги кунда тошбосма ўрнини замонавий офсет машиналари эгаллади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар.

1. Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул “Феруз шоҳ ва шоир қисмати” Тошкент 1991 йил.
2. Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул “Феруз” 2011 йил.
3. Комилжон Худойберганов “Хоразм хонлари” Тошкент 2019 йил.
4. “Хоразм ҳақиқати” газетаси. 2010 йил 9 январ. №3 (18621). Шанба.